



ЗАМОНАВИЙ ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА НИКОХ-АЖРАЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУДУДИЙ ЖИХАТЛАРИ

PhD **Сабирава Муаззам**
Алфраганус университети
ORCID: 0000-0003-2250-3824
mua1993.10@mail.ru

Аннотация. Жамиятдаги ҳар қандай қусур ва камчиликларнинг илдизини аксарият ҳолларда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитдан излаш нечоғлик ўзини оқлагани каби, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизини ҳам, аввало, мустаҳкам оилалар ташкил этиши бугун вақт ва замон чиғириғидан ўтган улкан ҳақиқатдир. Шарқда, мусулмон мамлакатларида азалдан оила муқаддас даргоҳ саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, юртда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир. Шунинг учун оиланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятига қадим замонлардан бери давлатлар қонунчилигида алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Бош қомусимизда ҳам “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб қўйилган.

Калит сўзлар: оила институти, оила, оила турлари, тўлиқ оила, нотўлиқ оила, полигам никоҳ, моногам никоҳ.

БРАЧНО-РАЗВОДНЫЕ ПРОЦЕССЫ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОГО ИНСТИТУТА СЕМЬИ И ИХ РЕГИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ

PhD **Сабирава Муаззам**
Университет Альфраганус

Аннотация. Так же, как оправдано искать корни любых недостатков и изъянов в обществе в социально-духовной среде в семьях, сегодня это огромная истина, прошедшая испытание временем, что основой сильного, стабильного и процветающего государства являются, прежде всего, крепкие семьи. На Востоке, в мусульманских странах, семья издавна считалась священным святилищем. Если семья здорова и крепка, то в стране будут царить мир и согласие. Ведь семейное благополучие основа национального благополучия. Поэтому с древних времен в законодательстве государств особое внимание уделяется роли и значению семьи в общественной жизни. В частности, наша Конституция гласит, что “Семья является основной ячейкой общества и имеет право на защиту со стороны общества и государства.”

Ключевые слова: институт семьи, семья, типы семей, полная семья, неполная семья, полигамный брак, моногамный брак.

THE PROCESSES OF MARRIAGE AND DIVORCE IN THE DEVELOPMENT OF THE MODERN INSTITUTION OF THE FAMILY AND THEIR TERRITORIAL ASPECTS

PhD **Sabirova Muazzam**
Alfraganus University

Abstract. *In most cases, it is justified to look for the root of any defects and shortcomings in the social and spiritual environment of the family, and it is a great fact that strong families are the basis of a strong, stable and prosperous state. In the East, in Muslim countries, the family has been considered a sacred place since time immemorial. If the family is healthy and strong, peace and harmony will reign in the country. After all, family well-being is the basis of national well-being. Therefore, the role and importance of the family in public life in the legislation of states has been given special attention since ancient times. In particular, our Constitution says that "The family is the main link in society and has the right to be under the protection of society and the state."*

Keywords: *institution of the family, family, types of families, full family, incomplete family, polygamous marriage, monogamous marriage.*

Кириш.

Оила жамият тараққиётида муҳимдир. Чунки, жамиятнинг асосини ташкил этувчи аҳоли гуруҳлари яъни чақалоқлар, ўсмирлар, ёшлар, меҳнат ёшидаги аҳоли, қариялар, кексалар барчаси оилада шахс сифатида ривожланиб камол топади. Оилани таҳлил ва тадқиқ қилишда авваламбор унинг ривожланиш босқичларини ўрганиш зарур. Бизга маълумки, оиланинг шаклланиш тарихи ибтидоий жамоа тузумидан шаклланиб келган.

Адабиётлар шарҳи.

“Оила – инсонларнинг табиий биологик, никоҳ, қон-қариндошлик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳидир” (Бўриева, 2011). Оиланинг ривожланиши, оила аъзоларининг бир бўлиб ижтимоий гуруҳда яшаши, бир-бири билан муносабати ҳар доим кузатиб тадқиқ этиб турилган.

Илк оила ҳақидаги қарашларнинг ўзига хослиги шундан иборат бўлганки, бу даврда инсонлар тўда-тўда бўлиб яшашган, жинсий муносабатлара тартибсиз бўлган ва бунинг оқибатида полигамия- яъни кўп никоҳлилик шакллана бошлаган (Бўриева, 1997). Бундан кейинги даврда эса жамият тараққиётида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди, мулкчилик асослари шаклланиб, дехқончилик ва чорвачиликнинг шаклланиши оқибатида эркалар бандлигининг ошиши ва моддий махсулотлар ишлаб чиқаришда эркакалар улуши юқори бўлди ва “патриархал” оила вужудга келди. Оила бошлиғи, фарзандлар ва хотинлари бирга яшаши оқибатида полигиния яъни кўп хотинлилик оилалари вужудга кела бошлади.

Оила масалаларини қатор олимлар ўз тадқиқот йўналишига кўра ўрганган. Масалан, аҳолишунос олим А.Г.Харчев оиланинг барча вазифаларини бирлаштириб “Оиланинг социал вазифалари”, деб атади ва бу вазифаларни 2 гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳга оиланинг авлод яратиш, иккинчи гуруҳга эса хусусий мулк тўпланиши, уни авлоддан авлодга ўтказиш ва ижтимоий вазифаларни киритади (Бўриева, 1997).

Оила ижтимоий институт сифатида жамиятда содир бўлаётган кўплаб воқеа ва ҳодисаларга ўз таъсирини кўрсатади ва тартибга солади. Оила институти аҳолининг

такрор бўлиш жараёнларини таъминлайди. Оила институни талқин ва тавсиф қилишда жуда кўп давлатларнинг бу борадаги қарашларини келтириб ўтиш жоиздир. Америкалик тадқиқотчилардан Э.Берджесс ва “Оила институтидан ҳамдўстликкача” асарида таъкидлаганидек, оила аста-секин ижтимоий институтининг барча белгиларини йўқотади, қайта ташкил этилади, қиёфасини ўзгартиради ва шахсий истаклари ва эҳтиёжлари учун ўзаро алоқадор бўлган шахсларнинг эркин уюшмасига айланади. Оила ҳаётдаги ўзгаришлар институтдан (оиланинг анъанавий модели) ҳамдўстликка (оиланинг замонавий модели) ўтиш амалга оширганлиги сабабли содир бўлади. Ҳозирги вақтда замонавий никоҳнинг мустаҳкамлиги турмуш ўртоқларнинг психологик ҳаракатларига, уларнинг оилавий муносабатларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш истагига боғлиқлигини тадқиқ этган (Бўриева, 2011).

Ғарб мамлакатлари демограф олимлари оила институти билан боғлиқ иккита асосий тенденцияни ўрганиш билан, яъни болалар тарбияланаётган оилаларнинг этник таркиби ва ўзгариши билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишган.

Умуман олганда, оила институти жамиятнинг ҳар томонлама ва самарали ривожланишига ёрдам берадиган бир қатор муҳим вазифаларни бажариб келган. Замонавий оила институти аввалги оиланинг вазифаларини (демографик, иқтисодий-ижтимоий ва психологик) сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги глобаллашув ва тенденциялашув даврида замонавий оила институтида никоҳ жараёнларига бўлган қарашларнинг ўзгариши, ажралиш жараёнининг тобора кўпайиб бораётганлиги муамманинг долзарблигини англатади.

Оилани тадқиқ этишда ва ўрганишда авваламбор оиланинг тури, ўлчами, шакли ва тузилишини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Оиланинг таркиби - оиладаги кишилар сонига кўра тақсимланиши, унинг шакли, тузилиши ва турларига кўра бўлинишидир (Глушкова, 2012). Оилани ўрганишда унинг вазифаларидан энг муҳими бу авлод яратувчанлик хусусиятидир. “1990 - йилларгача оиланинг ишлаб чиқарувчилик вазифаси чекланган ижтимоий-иқтисодий фаолиятдан иборат бўлган” (Абдурахмонов, 2011). Бу даврда оиланинг асосий вазифаси болаларни дунёга келтириш, унинг тарбияси билан боғлиқ бўлиб аёл киши бу иш билан банд бўлган. Бозор муносабатларига ўтиш даврида эса оилаларнинг мамлакат иқтисодиёти ва ривожланишидаги аҳамияти ортиб борди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси тез суръатлар билаб ўсиб бормоқда, бунда аввало унинг ҳар бир ҳудудида оилалар сони, таркиб тузилиши, ривожланишида никоҳ ва ажралиш жараёнларининг роли жуда юқори. Жумладан, республикада жами оилалар сони 10 миллион 244 минг 241 та оилалар ташкил этмоқда. Бизга маълумки, Ўзбекистоннинг асосий маъмурий бирликлари майдони, демографик вазияти ва демографик салоҳияти бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Устозимиз А.Солиев таърифлари билан айтганда, “Бу ерда географик қонуният шундан иборатки, вилоят майдони қанча катта бўлса, демак билингки, одатда, бундай жойларнинг табиий шароити хўжалик юритиш учун қулай эмас ва оилавий таркиби ҳам ўзгачадир” (Солиев, 2014). Шундан, иқтисодий районлар кесимида оилалар миқдори бўйича энг юқори иқтисодий районлар Фарғона иқтисодий райони ва Тошкент иқтисодий районлари ҳисобланади.

Фарғона иқтисодий районида кирувчи Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари демографик сиғим бўйича ҳам республикада анча юқори кўрсаткичга эгадир. Нотўлиқ оилалар кўрсаткичи бўйича эса, Тошкент иқтисодий райони ва Фарғона

иқтисодий райони устунлик қилмоқда.

Фарғона иқтисодий районида кирувчи Андижон вилояти оилаларида ажралишлар кўрсаткичи юқори ва шаръий никоҳдан ўтувчилар сони юқоридир. Республикада ўзига хос демографик вазиятга эга бўлган Тошкент иқтисодий райони аҳолиси оилалари оилавий таркибида нотўлиқ оилаларнинг ошиши республикада Фарғона иқтисодий раёнидан кейин турибди. Иқтисодий районда жойлашган Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларида ҳам нотўлиқ оилалар ошиши долзарб муаммодир. Шу сабабли ҳам, айнан республика иқтисодий географик раёнлари ичидан Тошкент иқтисодий райони тадқиқ этилди.

Аксинча, Тошкент иқтисодий районида оилалар кўп бўлса-да, аммо катта оилалар сони ва салмоғи камлигига кўра, Мирзачўл иқтисодий районида олдинда туради холос. Жанубий (29%), Фарғона (28%), Зарафшон иқтисодий районларида (20%) катта оилалар улуши ҳамон кўпчилиكنи ташкил этади.

Худди шу иқтисодий районларда жами оилалар таркибида нотўлиқ оилалар ҳиссасининг катталиги ачинарлидир. Нотўлиқ оилалар кўрсаткичи ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари – (ФХДЙ) органларида рўйхатдан ўтмай никоҳ қурган оилалар сони бўйича Фарғона иқтисодий районида кейинги ўринни Тошкент иқтисодий райони (21%) эгаллайди. Айнан мана шу иқтисодий районларда ажралиш жараёни кўрсаткичи ҳам баланд. Иқтисодий районлар оилалари сони, салмоғи, унинг турлари, ўлчами ва бошқа жиҳатларидаги динамик ўзгаришларда оилалардаги никоҳ ва ажралиш жараёнлари, уларнинг ҳудудий хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат геодемографик ривожланишида никоҳ ва ажралиш жараёнлари алоҳида ўрин тутган ҳолда, ҳудудий жиҳатдан маълум тафовутларга ҳам эгадир. Бу, айниқса, шаҳар ва қишлоқ жойларида яққол кўзга ташланади. Республикада никоҳ жараёнларини таҳлил қилишда, умумий, шаҳар ва қишлоқ кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, шаҳар ва қишлоқ аҳолисида никоҳ жараёнининг ривожланиш хусусиятларидан бошлаб никоҳнинг мустаҳкамлигига аҳолининг бўлган қарашлари турлича. Жумладан, шаҳар жойларида никоҳлар сони ҳамиша нисбатан кам бўлади. Бироқ пойтахт шаҳарларга вилоят аҳолисининг кўплаб кўчиб келиши никоҳ умумий даражаси кўтарилишини таъминлайди. Бунинг исботи сифатида, Тошкент шаҳрида ўн йил аввал никоҳнинг энг паст даражаси 8,2 промиллега тенглигини келтириш ўринли. Айни дамда Тошкент шаҳрида никоҳ умумий коэффитциенти мос равишда мамлакатнинг бошқа ҳудудлари сингари ўсиб бориб, 8.9 промиллега эга.

Хулоса ва таклифлар.

Янги Ўзбекистон шароитида олиб борилётган ислохатларда оила масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги давлатнинг олиб бораётган сиёсати, оилаларни тўлиқ бўлишини, тўлиқмас оилалар тури ва таркибининг камайишини олдини олишга қаратилгандир. Оиланинг демографик ривожланиши ўтган асрнинг охириги йилларига қараганда биров сустралган бўлсада, аммо оилаларнинг мустаҳкамлигига дарз кетаётганлиги, аниқроғи ажралишлари сони йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги оила институти олдидаги ечилиши лозим бўлган масалалардандир.

Замонавий оила институтининг ривожланиши ҳозирги глобаллашув жараёнида жуда шиддат билан ўзгариб кетмоқда. Оиланинг ривожланишида никоҳ жараёнинига бўлган қарашларнинг ўзгариб кетиши ҳозирги оила институтининг қадрсизланишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, оила институтининг ривожланишини тадқиқ этиш

унинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш орқали келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш имкониятини беради.

Адабиётлар/Литература/References:

- Абдурахмонов Қ.Х, Абдураманов Х.Х. (2011). Демография (ўқув қўлланма).- Т., Ношир.
- Бўриева М. Р. (1997). Ўзбекистонда оила демографияси. – Т., Университет. – 157 б.
- Бўриева М. Р. (1999). Оила ва демография асослари. маърузалар матни. Тошкент.
- Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. (2011). Аҳоли географияси ва демография асослари (ўқув қўлланма) “Тафаккур” Тошкент. 100 бет.
- Глушкова В.Г., Симагина Ю.А. (2012). Демография учебное пособие Москва
- Солиев А. Ўзбекистон географияси.Т.“Университет” 2014 й.403-б